Ушбу сонда:

2 СУД ҚАРОРИ нега бажарилмаяпти?

3-7 ЯНГИ ЙИЛНИ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

8 БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 24 декабр, чоршанба № 201-202 (1627)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Янги йил арафасида

ПОП ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Шу шукуҳли кунларда Поп шаҳрининг марказий кўчаларида ҳаёт қайнайди. Қор ёғиб қишнинг аёзи кўз очирмаётган бўлса-да, бунёдкорлар кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишмоқда. Дўстлик, Ёндош, Ойбек кўчаларида юк машиналари ҳамда тракторларнинг товуши эрталабдан то кечгача тинмайди. Қудратли автогрейдерлар шағалларни суриб текислаётган бўлса, кўтарма кранлар ёрдамида бетон-лоток ўрнатилмоқда.

– Ватанимиз пойтахти Тошкентда бўлганимизда, Мустақиллик йилларида амалга оширилган ўн йилликларга татигулик ўзгаришларни кўриб, қалбимиз жунбушга келади, - дейди Поп тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустамжон Исматуллаев. – Шу боис бизнинг шаҳримиз ҳам кун сайин яшнасин, дея бутун халқ ғайрат камарини боғлаб ишламоқда.









Йўлнинг эни 24 метр бўлади. Бу биринчи категорияли деганидир. Қайта таъмирлаш ишларини 17 та ширкат хўжалиги, 6 та қурилиш корхонаси жадал олиб бормоқда. Йўл ёқасида жойлашган корхона ва ташкилотлар, уй-жойларнинг эгалари ҳам ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларидан четда қолишаётгани йўқ. Мақсад битта – бу ерда ҳам Тошкент хиёбонларига ўхшаган кенг, шинам, ўта файзли кўчалар барпо этиш. Бир вақти келиб поплик болалар ота-боболари, ҳамшаҳарлари қурган ажойиб гўшалар, иморатларни кўриб, дилдан қувонишсин. Улар ҳам попликларнинг эзгу ишларини ҳамжиҳатлик билан давом эттиришсин.

Қувончлиси шуки, яқин вақт ичида Попда троллейбус юриши мўлжал қилинган. Бунинг учун ҳозирданоқ саъй-ҳаракат бошлаб юборилди. Бунёдкорлик ишлари қишлоқларга ҳам кўчган. Ҳозирга қадар «Ровон йўл» ҳиссадорлик жамияти йўлсозлари 6 километрлик масофадаги йўлни кўнгилдагидек таъмирлаб, биринчи тоифадаги йўлга айлантиришди.

Ҳа, попликлар Янги 2004 йилни ана шундай кўтаринкилик ва бунёдкорлик ила қарши олмоқдалар.

Суратларда: Поп шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда жорий йил якунлари муҳокама этилиб, 2004 йил - Меҳр-мурувват йилида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Гуломова бошқарди.

Унда «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган вазифалар бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, ёшларни турмушга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Болалар спорти ҳамда оилавий спортни ривожлантириш, қизларни турли спорт ва соғломлаштириш тадбирларига жалб этиш яхши самара бермоқда. Жумладан, синхрон сузиш, бадиий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда юртимиз қизларининг яхши натижаларга эришаётгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аёллар ва ёшларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий, фуқаролик онгини оширишда Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Ижтимоий кўмакка муҳтож, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор янада кучайтирилаётир. Бунда турли давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, ўқув семинарларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

(ЎзА)

ЛОЙИҲА ҚУВВАТИ

Жорий йилда Асакадаги "ЎзДЭУавто" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси "Лацетти" ва "Матиз" каби янги русумдаги автомашиналарни ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами 40 минг 200 дан зиёд автомобил ишлаб чиқарди. Бу эса 2002 йилдагига нисбатан олти мингтага кўп демакдир.

-2004 йилда "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси 60 мингдан кўпроқ автомобил ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда, 2005-2006 йилга бориб эса автомобил ишлаб чиқаришни 100 мингтага етказмоқчимиз, -деди корхонанинг ижрочи директори Исроилжон Аҳмедов "Туркистон-пресс" мухбирига.

И. Аҳмедовнинг таъкидлашича, Асакада тайёрланаётган автомобилларнинг қирқ фоизи хорижий мамлакатларга чиқарилмоқда. Бу эса корхона меҳнат жамоаси яқин келажакда лойиҳа қувватига эришиб, йилига 200 минг автомашина ишлаб чиқариши мумкинлигидан дарак беради.

ТАДБИРКОРНИНГ ШАРҚОНА БОЗОРИ

Избоскан туманида маҳаллий тадбиркор Тўланбой Ўлмасов маблағи ҳисобига қурилган янги бозор очилди.

Халқ усталари томонидан яратилган савдо расталари, маданий-маиший бинолар савдо ходимлари ҳамда турли рўзғор буюмлари, сайёҳлар учун совғалар ишлаб чиқарувчи халқ амалий санъати усталари учун қурилган.

Тўланбой Ўлмасовнинг таъкидлашича, мазкур бозор туман аҳолиси катта қулайлик яратди. Энди улар ўз хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун вақт ва маблағ сарфлаб марказдаги бозорга бориб овора бўлиб юрмайдилар. Айни вақтда Тўланбой Ўлмасов мол бозори қуришни ҳам режалаштирмоқда.

"Туркистон-пресс"

Ижтимоий ҳимоя

ШУ ҚИШ КУНЛАРИДА

Доимий равишда тармоқ ходимларининг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб борамиз. Хусусан, яқинда туман маданият ишлари бўлимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар қиш ойларида куннинг қисқа бўлиши, баъзан ишга келиб-кетишда транспортнинг камлигини ҳисобга олиб, иш вақтларини муайян соатларга қисқартирилишини сўраб мурожаат қилишди. Мазкур ҳақли талаб бошланғич касаба уюшма қўмитамиз ишчи гуруҳи йиғилишида атрофлича ўрганилиб, уларнинг иш вақти олти соат қилиб белгиланди. Шунингдек, ушбу қарорни 2002-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномамизга ўзгартириш қилиб киритдик.

Энг муҳими, ходимларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратганмиз. Биринчи навбатда иш ҳақини кечиктирмай тўлаб бориш таъминланган. Ходимларга ҳар байрамда бир ойлик маош миқдорида мукофот пуллари бериб борилмоқда.

Жамоа шартномамизга асосан жорий йилда 5 нафар ходим «Сурхон», «Жайронхона» каби сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқаришди. Шунингдек, 60 нафар аъзоларимиз ёз ойларида Сурхоннинг сўлим табиати қучоғига сайр қилдирилди. Ходимларимизнинг 28 нафар фарзанди «Чинорбулоқ», «Вахшивор» каби оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

Бундан ташқари, Хуррам Хўжаёров, Гулсум Ибрагимова, Саида Боболова каби илғор кутубхоначилар фарзандларига бепул дарслик ва ўқув қуроллари олиб бердик. Бошланғич касаба уюшма қўмитамиз ҳисобидан Ойшаҳар Рустамова, Менгзиё Тўраев, Ойбаҳор Ҳакимоваларга моддий ёрдам ташкил этдик.

Қувонарлиси, ходимларимизнинг никоҳ ва фарзандларининг суннат тўйларида бўлимимиз қошидаги «Баҳор» дастаси текин хизмат кўрсатди. Ҳозирда Янги йил байрамига қизғин тайёргарлик ишлари бошланиб кетган. Байрам арчалари безатилиб, 100 нафар болажонларимизга совға-саломлар тайёрлаб қўйдик.

Пардахол НОРҚОБИЛОВА,
Олтинсой туман маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси раисаси

ЁШ МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Швейцариянинг Ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги ташаббуси билан Камолиддин Беҳзод номидаги вилоят санъат музейида «Ҳудуд» мавзуида кўргазма очилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида яшаб ижод қилаётган ёш мусаввирларнинг уч юздан зиёд асари намойиш этилмоқда.

Уларда ўтмиш ва бугун, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва ўлим, миллатлар ва маданиятлар ўртасидаги хаёлий чегаралар ўз аксини топган.

ЭНГ ЯХШИ КУТУБХОНА

Қорақалпоғистонда ўрта-махсус ўқув юртлари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида «Йилнинг энг яхши кутубхонаси» танловини ўтказиш анъанага айланган. Нукус иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи кутубхонаси танловнинг бу йилги ғолиби бўлди. Коллеж жамоаси келгуси йил Марғилон шаҳрида ўтказиладиган мамлакат миқёсидаги танловда иштирок этади.

- Талабаларимизнинг китобхонликка қизиқишини ошириш, адабиётга меҳр уйғотиш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказиб турамиз, - дейди кутубхона раҳбари Светлана Юсупова. - Коллежимиз талабаси Гулноза Сотимова Қорақалпоғистон бўйича «Энг яхши китобхон» танловининг ғолиби бўлди.

(ЎзА)

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

СЎЗДАМАС ИШДА ФАОЛ БЎЛАЙЛИК

Жорий йил даврида Хоразм вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан меҳрибонлик ва саховат уйларига 1,5 миллион сўмлик меҳр-мурувват кўрсатилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларга эса 3,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Иш ҳақини вақтида тўламаган 90 та ташкилотнинг раҳбарига талабномалар ёзилди ва натижада 107 миллион сўмлик маош эгаларига тарқатилишига эришилди.

Бандлик дастурини амалга ошириш, янги иш ўринларини очиш, иш шароитларини яхшилаш борасида ҳам тармоқ вилоят қўмитасида ижобий ишлар қилинган. Жамоа шартномалари асосида маъмурият билан ҳамкорликда қишлоқ жойларида 10639 нафар киши ишга жойлаштирилди. Шу жумладан, ногиронлар, болали аёллар, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган шахсларнинг бошқа таркиблари учун квоталаштирилган иш ўринларига 3426 нафар киши тавсия қилинди. Қўмита аралашуви билан эса жорий йилда 5 нафар киши ишга қайта тикланди.

Вилоят қўмитасида маданий-маърифий ишларга ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Жорий йилда республика қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ўтказилган спартакиадада вилоят қўмитаси спортчилари фахрли биринчи ўринни олишди. Иш юритиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш борасида эса ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бухоро вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар учун етарли иш шароитлари яратиб беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йили жамоа шартномалари орқали ҳар бир касаба уюшма аъзосини ижтимоий муҳофазалашга ўртача 31 минг сўм сарфланган бўлса, жорий йилда ушбу рақам 50 минг сўмни ташкил этди. «Обод маҳалла йили» дастурини амалга ошириш бўйича вилоят қўмитаси Ғиждувон туманидаги Иришки қишлоғини ободонлаштиришга ҳомийлик қилди. 2 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Кўп болали, кам таъминланган Солия Раҳимова, Аҳмад Сафаровлар хонадонлари таъмирлаб берилди. Пахта йиғим-терим мавсумида эса теримчиларга қулай иш шароитлари яратиб бериш мақсадида 1410 та дала шийпони таъмирланди. 17 нафар ишдан бўшатилган дала меҳнаткашлари ва ишчилар бевосита касаба уюшмалари кўмагида вазифасига тикланди.

Наманган вилояти касаба уюшмалари тармоқ қўмитасида жорий йилда 1844 нафар ишчи ва дала меҳнаткашлари дам олдирилди. 7568 нафар бола ёзги оромгоҳларда кўнгил очишди. Бунга касаба уюшмалари 30 миллион сўм маблағ сарфлади. Иш ҳақидан қарздорлик юзасидан 242 миллион сўм ундириб берилишига эришилди. Андижон, Тошкент шаҳри агросаноат мажмуи қўмиталари ҳам бу борада ибратли ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Лекин касаба уюшма вакиллари барча жойларда ҳам меҳнаткашларнинг устувор ҳимоячиси бўлиб чиқаётганлари йўқ. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, туман ва бошланғич касаба уюшма қўмиталарида бу борада жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини қабул қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя борасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Гарчи қўмитада оммавий спортни ривожлантиришга эътибор кучайган бўлса-да, касаба уюшмаларининг иш юритиши ниҳоятда суст кечмоқда.

Қўнғирот тумани АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитасида жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик 440,8 миллион сўмни ташкил қилади. Бироқ қарздорликни тугатиш бўйича қўмита етарли иш олиб бормаяпти. Жамоа шартномалари эса экспертизадан ўтказилмаган ва махсус дафтарга қайд қилиб борилмаган. Боз устига икки йил давомида бирорта ҳам маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмаганлигига нима дейсиз.

Қораўзак туманида қарздорликни тугатиш борасида бор-йўғи олтита ташкилотга тақдимнома киритган. Бироқ унинг тақдири билан қизиқиб ҳам кўришмаган. Шу йилнинг январ ойида «Қораўзак» ширкат хўжалиги ишчиси Ж.Нурбуллаев трактордa жароҳат олиб, шифохонага ётқизилди. Даволаниш учун моддий ёрдам сўраб, касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилди. Лекин бир инсон тақдирига бефарқларча қараб ариза қаноатлантирилмади, ҳаттоки жавоб ҳам ёзилмади.

Хўжайли тумани касаба уюшма қўмитасида эса жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш, рўйхатга олиш ҳамда ариза ва шикоятларни қайд қилиш дафтари ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган. Ўтган йили у ёқда турсин, бу йил ҳам бирорта раёсат ва пленум йиғилишлари ўтказилмаган. Касаба уюшма аъзолари сони ўтган йилга нисбатан олти минг нафарга камайганлиги унинг нуфузи қай даражада эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Тўрткўл тумани касаба уюшма қўмитасида ҳам аҳвол яхши деб бўлмайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши ижроия қўмитасининг «Намунали низом» тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига ўтган йилнинг 15 июлида юборилган бўлса-да, орадан олти ой ўтиб 14 та туманга тарқатилганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Беруний тумани тармоқ касаба уюшма қўмитасига эса ҳалигача ушбу хат келиб тушмаган. Бу туман қўмитаси ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари Низом бўйича фаолият кўрсатмаётганлигидан дарак эмасми? Республика тармоқ қўмитаси раиси бу бошбошдоқлик сабабини кадрлар етишмаётгани, икки йил сувсизлик азобини чекканлиги билан изоҳлади.

Аслида ялқов баҳона, ишловчи имконият топиши барчага маълум. Тўғри, барча соҳаларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаяпти, муаммолар, камчиликлар ҳам етарли. Касаба уюшмалари, айниқса шундай пайтда меҳнаткашларга кўпроқ ёрдам бериши, улар ҳақ-ҳуқуқларининг устувор ҳимоячисига айланиши лозим.

Эркин ЭРМАТОВ,
Давур ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» мухбирлари

ШИФО МАСКАНЛАРИ КЎПАЙДИ

Ғаллаорол туманида иккита қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Туманнинг чекка Турк қишлоғи ҳудудида махсус лойиҳа асосида қурилган замонавий тиббиёт маскани етарлича тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. «Кўкбулоқ» ширкат хўжалиги марказидаги ана шундай маскан эса ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Уни бунёд этишда ширкат ва «Embo shtut» фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Обод маҳалла йилида туманда тўртта, вилоят бўйича эса 20 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди.

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент давлат аграр университетида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликкимё» компанияси ҳамкорлигида ўсимликлар ҳимоясига бағишланган ўқув семинари бошланди. Унда жойларда ўсимлик ҳимояси билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этмоқда.

Анжуманда қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев сўзга чиқиб, келгуси йили қишлоқ хўжалиги мавсумида экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, бу борада жорий йилда йўл қўйилган камчиликлардан хулоса чиқариб, сифатли биологик маҳсулот ҳамда самарали кимёвий воситаларни етиштириш зарурлигини таъкидлади.

(ЎзА)

СУДРАЛИШ сабаблари ва сабоқлари

Масала кўндаланг қўйилади

Сўнгги йиллар республикамиздаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларни ҳам катта имтиҳондан ўтказди. Омилкор, ташкилотчи, масъулиятни зиммасига ола биладиган, қолаверса, ҳал қилувчи дамларда қатъиятлик, изчиллик кўрсатадиган кишилар раҳбарлик қилаётган жамоаларда бозор муаммолари муваффақиятли ҳал этилиб, ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Бироқ баъзи қийинчиликлар олдида эсанкираётган, ҳамон узрли сабабларни рўкач қилаётган кимсалар бош бўлган жойда эса иш орқага кетмоқда, корхоналар инқирозга юз тутмоқда.

Тошкент шаҳридаги 2515-автожамланмада бўлганимизда, бунга ишонч ҳосил қилдик. «Тошшаҳарюктранс» уюшмаси йиғилишларида мазкур автожамланма мутасаддилари лозим даражада омилкорлик кўрсата олмаётганликлари сабабли иш мудом орқага кетаётганлиги қулоққа чалинарди. Хўш, нима сабабдан бу ерда даромад топшириғи бажарилмайди, барча имконият бўла туриб, фойда ўрнига зарар кўрилмоқда?

Автожамланма бағоят қулай жойда - катта йўл четида жойлашган. Таъкидлашларича, 161 та турли русумдаги автомашина мавжуд. Шулардан 107 таси техник жиҳатдан шай ҳисобланади. Кунига 65-70 та транспорт воситаси хизматга чиқариларкан. Шунинг ўзидан кўринадики, мавжуд имкониятдан унумли фойдаланилмаяпти. Ким билан суҳбатлашмайлик, аксарият машиналар эскирганлигини, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари муаммо бўлиб қолганлигини рўкач қилади.

Бахона билан иш битмайди. Аслида корхона иқтисодиётини юксалтириш, муаммоларни бемалол ўз кучлари билан ҳал этиш имконияти мавжуд. Бунинг учун аввало инсон омилига эътиборни кучайтириш зарур. Ишчи-хизматчиларни ўз вақтида маош билан таъминлаш, фидойилик, ташаббускорлик кўрсатаётганларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чамаси муваффақиятни таъминловчи тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаганлиги боис бажарилмай қоғозда қолмоқда. Ахир, корхонада уч ойдан буён иш ҳақи берилмаганидан сўнг ким ҳам жон койитиб ишларди?!

Шу ўринда яна бир масала хусусида фикр юритсак. Автожамланма директори вазифасини бажарувчи Ш.Мирзамуродовнинг таъкидлашича, ҳар куни ўрта ҳисобда 70 та техника воситаси ижара асосида хизматга чиқарилаяпти. Битта автобус ҳайдовчиси кунига уч ярим минг сўм кассага кирим қилиши керак. Хомчўт қилинса, 65 ёки 70 ҳайдовчи бир ой давомида олти миллион сўмдан ортиқ пул келтириши керак. Кўпгина муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш омили бўлган шунча пул қандай сарфланмоқда, деган саволга афсуски, жўяли жавоб ололмадик.

Дебитор ва кредитор қарзлар ҳам корхона оёғига тушов бўлмоқда. Қаранг, биргина Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги 72 та фермер хўжалиги ушбу корхонадан 4 миллион 600 минг сўм қарздор экан. Маблағ нега шу пайтгача ундирилмаяпти? Ахир, буни қонун йўли билан, мутасадди идора ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этиш мумкин-ку. Яна гап омилкорлик, изчиллик ва қатъиятликка бориб тақалади. Зеро, бозор имиллашни кечирмайди, деб бекорга айтилмайди.

Ҳайдовчилар билан ўзаро мулоқот чоғида бу ердаги ишловчилар йилига 180 тонна қора метал, 5500 кило рангли метал топширишлари лозимлиги, бунинг учун кўпчилик ходимлар далаштларда кезишга мажбур бўлишаётганлигини афсус билан таъкидлашди. Фикримизча, эътироз ўринли. Буни «Тошшаҳарюктранс» уюшмаси раҳбарлари ҳисобга олишса адолатдан бўлур эди. Муаммоларни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Корхона раҳбарияти, касаба уюшма қўмитаси баҳоналарни четга суриб, барчани мақсад сари бирдек сафарбар этиши, мавжуд имкониятларни ишга солиш, ижро интизомини мустаҳкамлашга эришиши лозим. Бирёқлама фаолият, ўзибўларчилик ва сансалорлик давом этса, судралиш яқин вақт ичида барҳам топмайди.

Ш.АБДУХОЛИҚОВ

Бир Фармон шарофати

ФЕРМЕР

мулкдорлар синфининг истиқболли вакили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони қишлоқ мулкдорларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайди.

Қашқадарёда ана шу ва бошқа фармон ва қарорлар изчиллик билан амалга оширилаяпти. Масалан, ўтган йили вилоятда иккиуч йил давомида сурункали зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли 58 та ширкатлар тўлиғича фермер хўжаликларига айлантирилди.

Айни пайтда вилоятда фаолият кўрсатаётган 9400 та фермер хўжалигига жами экин майдонининг 40 фоизи ажратиб берилган. Давлатга сотиладиган ғалланинг 50, пахтанинг 46 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади.

Эндиликда ерга ва мулкка бўлган муносабат ижобий томонга ўзгараяпти. Ажратиб берилган ерлар мелиоратив нобоп, сув таъминоти ноқулай, балл бонитети паст бўлишига қарамасдан ширкат хўжаликларига нисбатан кам харажат қилиниб, юқори ҳосилдорликка эришилаяпти.

Энг муҳими, мулкдорларнинг моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Мисол учун, Муборак туманидаги «Сиёвуш» фермер хўжалиги ихтиёрига 200 тоннадан ортиқ ғалла қолди.

Бошқача айтганда, бугунги фермер ҳар томонлама фикрлай оладиган, дунё янгиликлари, илғор тажрибалар асосида иш юритадиган мулкдорлар синфига айланаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунларида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этишлари ва уларнинг манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлиги қайд этилган. Агарда ана шу маънода сўз юритадиган бўлсак, Нишон туманидаги «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги ғалланинг ҳар гектаридан 100 центнердан, пахтадан 55 центнерли хирмон кўтарди. Пахтачиликнинг ўзидан 65 миллион сўм даромад олинди. Хўжаликнинг илғор теримчиси Нурия Имомназарова 12 тоннадан ошиқ пахта териб, 400 минг сўм пулни нақд санаб олди. Воҳадаги «Қорабоғ», «Меҳнатобод», «Темирхўжа», Бобур номли, «Гувалак», «Пистали» фермер хўжаликлари ҳам шартнома режаларини ошириб адо этдилар.

Фермер хўжаликлари фаолияти учун қулай шароит яратиш мақсадида минибанклар, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлайдиган шохобчалар, муқобил машина-трактор парклари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари тузилган. Бироқ ҳамма жойда ҳам хизмат кўрсатувчи инфраструктуранинг талаб даражасида ишламаётганлиги кишини ташвишга солади. Масалан, фермерлар билан тайёрлов ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар томонлар иштирокида пухта ишлаб чиқилмасдан расмийлаштириб юборилган. Шартномаларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинмаган.

Президент Фармонида адлия идораларига фермер хўжаликларининг қонуний манфаатларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг хўжалик фаолиятига бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашишига уриниш ҳолларига барҳам бериш асосий вазифа қилиб қўйилган. Амалдаги тартибга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтганидан кейин фермер хўжалиги юридик шахс мақомини олади. Банкда ҳисоб рақамини очиб, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига асосан фуқароларга ер участкалари эллик йилгача, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади. Ер участкаларининг ижара шартномаси хўжалик бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи ўртасида тузилади.

Бироқ айрим ҳокимликлар томонидан фермерликка қўл урмоқчи бўлган кишиларга ёрдам кўрсатиш ўрнига фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларига зид ҳаракатлар қилинмоқда. Масалан, фуқаро А.Аҳадовнинг манфаати юзасидан вилоят адлия бошқармаси судга даъво аризаси киритди. Унда Аҳадов Аллабобо номли фермер хўжалигини ташкил этишда Касби туман ҳокимлигининг қонунга зид ҳаракатини бартараф этиш, яъни «Қашқадарё» ширкат хўжалигидан 27 гектар ер майдонини ушбу фермер хўжалигига ажратиш ва жавобгардан маънавий зарарни ундириш сўралган.

Иш фуқаролик ишлари бўйича вилоят судида кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам А.Аҳадов аризаси асосида «Қашқадарё» ширкат хўжалиги умумий йиғилишида фермер хўжалиги юритиш учун 27 гектар ер майдони ажратиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги, туман комиссиясида кўриб чиқиб маъқулланганлиги, лекин туман ҳокимининг биринчи ўринбосари уни асоссиз равишда тасдиқламаганлиги аниқланди.

Суд қарори билан даъво қаноатлантирилиб, фуқаронинг ҳуқуқи тикланди. Жавобгардан маънавий зарар ундирилди.

Айрим мансабдорлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг эркинлигига, ҳуқуқ ва манфаатларига зид қарор қабул этиш, улар фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ҳоллари учрамоқда. Муборак туманидаги «Мақсуд Али» фермер хўжалиги раҳбари Ш.Кенжаев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман ҳокими фермер хўжалигига ажратилган 30,1 гектар ерни қайтариб олиш ҳақида асоссиз қарор чиқарганлигини кўрсатган. Масала ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам ушбу қарорни Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-, 38-моддаларига зид эканлиги аниқланиб, даъво асосли равишда қаноатлантирилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Шу боис мутасадди ташкилотлар мамлакатимизнинг амалдаги қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларидан келиб чиқиб фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўришлари керак.

И.ИСОМИДДИНОВ

2003 йил - Обод маҳалла йили

ЭЛ ИҚБОЛИ - ИНОҚЛИКДА

Маҳалламиз қадимий истиқоматгоҳлардан бири ҳисобланади. Одамларимиз бир оила аъзоларидек қондош-жондош бўлиб кетишган. Тўю маъракаларни ўтказиш, турмушнинг қувончу ташвишларида бирга бўлиш маҳалла фаолларининг диққат марказида. Айниқса, қариялар, ёрдамга муҳтожлар ҳамиша эътиборда.

Аҳолимиз азалдан тадбиркорликка мойил. Айни пайтда бу ерда битта чакана, иккита хусусий савдо дўкони, маиший хизмат масканлари, чойхона ишлаб турибди. Самарали фаолият кўрсатаётган ўнлаб ишбилармонлар маҳалладошларига баҳоли қудрат ёрдам беришмоқда.


Обод маҳалла йили муносабати билан маҳалламизда анчагина хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, маҳалламизни янада гуллаб-яшнаши учун ҳар бир киши имконияти даражасида ҳисса қўшди. Масалан, тадбиркор Илҳом Абдуллаев маҳалла қабристонини ободонлаштиришга 3 миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Элнинг ҳиммати билан маҳалла марказида каттагина гулзор бунёд этилди.

Ёшларни шарқона руҳда тарбиялаш, маънавий ва жисмоний камолотга етказишга ҳам катта эътибор беряпмиз. Бунда меҳнат ва спортнинг аҳамияти беқиёс. Шуни ҳисобга олиб, маҳалламиз ҳудудидаги мактаб спорт майдонини қайта жиҳозлаш ишларига ёшларнинг ўзларини жалб қилдик. Болалар иноқликда ўз пешона терлари эвазига бунёд бўлган нарсаларни қадрлашни ўрганишади, албатта. Бу эса тарбиянинг жуда таъсирчан воситасидир.

Аҳилликнинг яна бир самараси бор. Одамлар бир-бирининг турмушидан хабардор бўлганлари боис маҳаллада доимо тинчлик барқарор. Биз учун энг муҳими ҳам ана шу.

Р.САМАДОВ,
Самарқанд туманидаги «Бухори» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?



КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

«Зафар»нинг ишончли мижози

Акционерлик-тижорат «Пахтабанк»нинг «Зафар» бўлими кичик ва ўрта бизнес субъектлари – якка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий фирма ва корхоналар, деҳкон-фермер хўжаликларига талаб даражасида хизмат кўрсатиш, уларнинг энг яқин ҳамкорига айланиш учун барча имкониятни ишга солмоқда. Бугунги кунда банк замонавий услубда тўлиқ қайта таъмирланган ва компьютер техникаси ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган бинода жойлашган бўлиб, жамоа 538 нафардан ортиқ мижознинг ишончини оқлашга ҳаракат қиляпти.

– Мижозларимизнинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес вакиллари бўлгани учун ҳам банк уларга кредит ажратишга катта эътибор қаратади, – дейди бўлим бошқарувчиси Илҳомжон Бойжуродов. – Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида банк томонидан 102 миллион 960 минг сўмдан ортиқ миқдорда кредит ажратилган бўлса, унинг 75 миллион 900 минг сўми банкнинг ўз маблағлари, 7 миллион 760 минг сўми бандлик жамғармаси ҳисобидан бўлди. Бу эса, ўз навбатида, корхоналар айланма маблағларини кўпайтирди. Тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, кўпайтириш ва янги хизмат турларини ташкил этиш учун имконият яратди. Масалан, «Олмос Абдул» хусусий фирмасига берилган 3 миллион сўмлик кредит ҳисобига нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1 миллион 200 минг сўм олган хусусий тадбиркор Раҳима Комилова бугунги кунда қандолат маҳсулотлари тайёрламоқда. 2,5 миллион сўм кредитни қўлга киритган «Нурматов.Р» деҳқон-фермер хўжалиги чорвачиликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бу «Пахтабанк»нинг Бекобод туманидаги «Зафар» бўлимида олиб борилаётган ишларнинг бир қисми, холос.

Айни пайтда банк фаолияти такомиллашиб бораётгани сайин мижозлар сони ҳам кўпаймоқда. Шу боис бўлим ходимлари хизмат маданиятини ошириш, мижоз билан ишлашда унинг вақтини тежашга алоҳида эътибор бермоқда.

А.АКБАРОВ

Суратларда: мутахассислар иш фаолиятидан лавҳа; банк биносининг умумий кўриниши.



ЎҚУВЧИЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

Навоий тумани халқ таълими бўлими томонидан мавжуд 24 мактабнинг 3,5,7,8,9-синфлари ўқувчилари ижара усули асосида тўла дарсликлар билан таъминланди. Уларга 41 номда 65836 нусхада дарслик тарқатилди. Бу ўқувчилар ўртасида иқтисодий тежамкорликни шакллантириш, дарсликка бўлган муносабатни яхшилашга ёрдам бермоқда.

Тумандаги кам таъминланган мактаб ўқувчиларига ҳомий хўжалик, корхона ва ташкилотлар ёрдами ҳам катта бўлаётир. Жумладан, Ф.Хўжаев номли 2-мактабга, А.Навоий номли 3-мактабга, Б.Эсонов номли 6-мактабга қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан 180 минг сўм ажратилди. Шунингдек, «Ҳазора» ширкат хўжалиги ўз ҳудудидаги У.Эгамова номли 9-мактабга 130 минг сўм, Р.Исмоилов номли фермер хўжалиги Ал Хоразмий номли 22-мактабга 250 минг сўм ёрдам кўрсатди.

БЕШТА ҚВП ИШГА ТУШИРИЛДИ

Қизилтепа туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Янги йил арафасида Кенагас, Тошработ, Азизобод, Деҳконобод қишлоқлари аҳолиси қурувчилардан ажойиб совға олди. Дала шийпони, фельдшерлик-акушерлик пункти, амбулаториялар ўрнида замонавий асосда қайта реконструкция қилиш ҳисобига бир йўла бешта қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Шундай қилиб Қизилтепада мавжуд ҚВПлар сони 31 тага етди, бу барча аҳоли пунктлари тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари билан қамраб олинди, деган сўздир.

Шуниси характерлики, мазкур объектларни қайта таъмирлаш ва фойдаланишга топширишда туман хўжаликлари, корхона ва ташкилотларнинг ёрдам катта бўлди. Туман ҳокимлиги марказий шифохонага ёрдам сифатида «Дамас» автомашинаси ва телевизор ажратди.

МАКТАБГА ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Навоий вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ҳудуддаги таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Ёз ойларидаёқ барча иситиш тармоқлари тўла таъмирдан чиқарилди, дераза ойналари тўла бутланди. Биргина халқ таълими бўлими томонидан ҳомийлар ёрдами билан капитал таъмирлашга 555993 минг, жорий таъмирлашга 90358 минг сўм сарфланди. Олис Уч қудуқ, Томди, Нурота, Хатирчи каби туманлардаги таълим муассасаларига 8221 тонна кўмир, 427 тонна суюқ ёқилғи етказиб берилди.

Шуниси характерлики, вилоятдаги таълим муассасаларига ҳомийлик ёрдами кўрсатишда ҳар йили жанубий тоғ-кон металлургия комбинатининг беминнат ёрдами катта бўлаётир. Учқудуқ, Томди, Нурота тумани узоқ овулларидаги, ҳатто Навоий шаҳридаги боғча, мактаб, меҳрибонлик уйлари тарбияланувлари ҳам комбинат аҳлининг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлишмоқда. Комбинат ташаббуси «Навоийазот», «Қизилқумцемент» сингари гигант корхоналар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шу асосда навоийлик мактаб ўқувчилари янги ўқув йилида 27.5822 минг сўмлик дарслик, 60222 минг сўмлик спорт жиҳозлари, 54.100 минг сўмлик компьютер техникаси олдилар. Конимех туманида кам таъминланган оила фарзандларини ҳафтасига икки маротаба хўжаликлар ҳисобидан овқатлантириш мунтазам йўлга қўйилди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Электр энергияси узатиш тармоқлари ҳаётбахш қон томирини эслатади. Улардан тинимсиз оқаётган нур шаҳар-қишлоқларимизни чароғон қилмоқда, кўплаб корхоналардаги асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтириб, фуқаролар турмуши фаровон бўлишига хизмат қиляпти.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Бундай вазифани ўзларининг иши деб билган Қашқадарё вилояти Миришкор тумани электр тармоқлари корхонаси жамоаси ўз хизмат юмушларини кўнгилдагидек уддалаб келишмоқда. Хусусан, якунланаётган 2003 йил жамоа учун янада баракали бўлди. Ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш натижасида корхона бўйича ўн бир ойда истеъмолчиларга кўрсатилган хизмат 334 миллион 466 минг сўмдан ортиқ бўлди.

– Жамоа кейинги йилларнинг бирортасида ҳам бундай юксак кўрсаткичга эришмаган эди, – дея эътироф этди корхона раҳбари Тўра Сиддиков. Бу эса ўз навбатида моддий манфаатдорлик иш натижасига боғлиқ бўлган тартибнинг ўрнатилиши демакдир.

Айни пайтда электр тармоқлари ходимлари туман аҳолиси хонадонларини, давлат ва жамоат корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш учун бор куч имкониятларини аямаяптилар.

ЯНГИ КОН

«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасига қарашли Янги Қоратепа кони ишга туширилди. Янги конинг дастлабки газ тармоғи фойдаланишга топширилиши муносабати билан корхонада бир кеча-кундузда етказиб берилаётган газ миқдори 800 минг кубометрга кўпайди.

Конинг ишга туширилишида Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

«Ишонч» ва ЎзА мухбирлари

Касаба уюшма ҳаёти

ЎЗГАЛАР ҚУВОНЧИ ИЛА ЯШАЁТГАНЛАР

Эгнига оқ халат кийиб, туну кун элимиз саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган жарқўрғонлик шифокорлар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Туман марказий шифохонасида 1351 нафар ходим ишлайди. Туман бўйича эса 207 нафар шифокор, 712 нафар тиббий ҳамшира фаолият юритиб келмоқда. Маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида 2003-2005 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси 10 бобдан иборат. Бугунги кунда унга тўла-тўкис амал қилиб келинмоқда.

Амалдаги жамоа шартномасига асосан барча ходимларга вақтбай ҳисобида – врачларга бир ойда 35 минг сўм атрофида, ҳамшираларга ўртача 23 минг сўм атрофида иш ҳақи тўланмоқда. Тунги навбатчиликда ишловчи ходимларга 1,2 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланиши йўлга қўйилган. Реанимация, жарроҳлик блоки ходимлари иш ҳақига 55 фоиз, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, акушерлик комплекси (физиология, обсерватория, қабул қилиш, туғруқ зали, чақалоқларни қабул қилиш бўлими)да ишловчи ходимлар иш ҳақларига 50 фоиз қўшимча ҳақ олишмоқда.

Байрам ва дам олиш кунларида ишлаган ходимлар учун Меҳнат Кодексининг 157-моддасининг 1-2-бандига асосан иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўланиши йўлга қўйилган.

Жамоа шартномасига мувофиқ, барча ходимлар белгиланган таътил жадвалига асосан меҳнат таътилида бўлишади. Бу вақтда ходимларга иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам пули берилади. Таътил вақтида 25 нафар ходим республика миқёсидаги «Бўстон», «Ботаника», вилоят миқёсидаги «Сурхон», «Жайронхона», «Ҳазарбоғ» каби сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди. Ёз ойларида эса ходимларнинг 25 нафар жажжи болалари «Чинор булоқ», «Чашма», «Вахшивор» каби оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқаришди.

– Марказий шифохонамиз тасарруфидаги 9 та бўлимда 121 нафар ходимимиз зарарли шароитда ишлаётганлиги боис, уларнинг иш ҳақига қўшимча 0,15 фоиз ҳақ тўлаб келинмоқда. Жумладан, физиотерапия бўлимидан Л.Бондаренко, С.Норматова, К.Шамонова, Г.Сувонова, Д.Самадова, В.Серефекова, К.Азимова, патоанотом ходимлар А.Кўчиков, йирингли хирургия бўлими бошлиғи Б.Маҳмудов, М.Чориева, психиатрия бўлими бошлиғи А.Жўрақулов, К.Раимов, наркология бўлими ходимлари Ж.Беккамов, У.Тожиевларга қўшимча 25 фоиз ҳақ тўланиб келинмоқда, – дейди соғлиқни сақлаш ходимлари туман касаба уюшма қўмитаси раиси Бибинор Ҳамроева.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

КАТТА ИМКОНИЯТ

«Довуд» акционерлик жамиятида деҳқон-фермер хўжаликлари учун мини техника ва ускуналар кўргазмаси ташкил этилди.

Унга қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, МТП, ширкат ва фермер хўжалиги раҳбарлари, соҳа мутахассислари таклиф қилинди.

Кўргазмада намойиш этилган мини трактор-лар ҳамда тиркамалар дала шароитида синаб кўрилди. Уларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузилди.

КОРХОНАДА ИНГЛИЗ ТИЛИ КУРСИ

Ғаллаорол туманида бизнес инкубатор иш бошлади. У кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашади.

Тадбиркорларга бизнес-режа ишлаб чиқиш, чет элдан ишончли ҳамкорлар топиш, замонавий технологиялар келтириш, хорижга малака оширишга жўнатиш ва қўшма корхоналар очиш борасида амалий ёрдам беради.

Ташкилот қошида инглиз тили, компьютер саводхонлиги ва зардўзлик курслари ҳам ташкил этилди.

(ЎзА)

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида кўрсатилганидек, «Ариза ёки шикоятлар давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичида кўриб чиқилади, бу орган масала моҳиятини ҳал этиши, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган масалаларни эса ўн беш кундан кечиктирмай ҳал этиши шарт». Бироқ, шундай бўлса-да Муборак шаҳри «Геолог» маҳалласи «Андижон» кўчаси 19-уйда истиқомат қилувчи пенсионер, III гуруҳ ногирони Итолмас Бешимов ўзининг қонуний талабини амалга оширолмай икки йилдан бери оворaю сарсон.

Хат йўлга чорлади

СУД ҚАРОРИ

нега бажарилмаяпти?

Унинг таҳририятимизга ёзган шикоят хатида Косон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2001 йил 25 октябрдаги қарори ҳозирги кунга қадар ижро этилмаётганлиги ҳақида куюниб сўз юритилади. Воқеа тафсилотлари қуйидагича: И.Бешимов ҳамшаҳри, «Ихлос» фирмаси раҳбари Қорёғди Элмирзаевга 6500 дона 0,5 литрли шиша идишларини ўзлари келишган шарт асосида қарзга беради. Аммо орадан ойлар, йиллар ўтишига қарамай на идишлар, на унинг пули ва на ваъда қилинган маҳсулот қайтарилади. Ваъдани қуюқ қилган Қ.Элмирзаев масала кўндаланг қўйилганида турли баҳоналарни рўкач қилишдан нариги ўтмайди. Шундан сўнг етти фарзанднинг отаси, катта хонадон соҳиби Бешимов ўзининг қонуний ҳуқуқидан фойдаланиб, судга даъво аризаси билан мурожаат этди. Косон туманлараро фуқаролик суди юқорида таъкидланганидек, 2001 йилнинг 25 октябрида ушбу даъво аризасини қисман қаноатлантириб, жавобгар Қ.Элмирзаевдан 232 минг сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Фуқаро мушкули осон бўлиб, ҳаммаси ўз жойига тушибди-ку, дерсиз. Бахтга қарши, катта хонадон аъзоларининг қувончи узоққа чўзилмади — саргардонлик давом этди. Қарор Муборак туман суд ижрочилари бўлинмасига 2002 йилнинг январида келиб тушганига қарамай негадир ижро пайсалга солинаверди. Мутасаддилар ҳар гал бунинг сабабини жавобгар қарзини тўламасдан қочиб юрганлигида, дея изоҳлашди. Тегишли муассасага қатнайвериб чарчаган отахон охир-оқибат суд департаменти Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлимига шикоят хати йўллашга мажбур бўлди.

– Даставвал маҳкамага борганимда мени илиқ кутиб олишди, – дейди у. – Судя Норбобо Хурамов муаммони қонуний ҳал этишни айтиб, кўнглимни кўтарди...

Ўша кезлар Итолмас ака мушкули осон бўлгани каби енгил нафас олди, ҳақиқат қарор топишига қатъий ишонди. Бироқ, яна қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазишган экан. Орадан ойлар ўтди. Натижа бўлмади. Қайта-қайта мурожаатларга эса вилоят маҳкамасидан «Суд қарори ижро этилади» қабилидаги жавоб олинди. Жумладан, суд департаменти вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи З.Абраев томонидан жорий йилнинг 6 октябрида юборилган 2216-сонли хатда маълум қилинишича, қарздор Қ.Элмирзаев ҳал қилув қарори ижросини ихтиёрий равишда 5 кунлик муддат ичида бажармаганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида жаримага тортилган. Шунингдек, мазкур хатда шаҳарнинг 2-миттитуман 20-уй 3-хонадонида яшаётган Қ.Элмирзаевни топиш имконияти бўлмаётганлиги маълум қилинади. Яна таъкидланишича, Муборак туман суд ижрочилари бўлинмаси ходими Р.Шарипов томонидан қарздорни излаб топиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақида қарор чиқарилиб, 2003 йил 28 август куни ижро этиш учун туман ички ишлар бўлимига юборилган.

Хуллас, мутасаддиларнинг бу зайлдаги жавобларини эшитаверіб, пенсионер ҳолдан тойди, неча бор касалхонада даволанишига тўғри келди.

Инсон ҳақ-ҳуқуқи чекланса, суд қарори бажарилмай йиллар мобайнида пайсалга солинса, бу адолатсизликдан ҳар қандай кимса қаттиқ изтиробга тушиши аниқ. Ҳақли савол туғилади: фуқаро, пенсионер И.Бешимов мушкули қачон осон бўлади? Бу саволга мутасаддилар охир-оқибат аниқ жавоб беришлари, низоли масалага узил-кесил нуқта қўйишлари керак.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАР

миқдори қандай аниқланади?

Саволларингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: «Моддий ва маънавий зарар» деганда нима тушунилади? Унинг миқдори қандай аниқланади?

З.ТУРСУНОВА, Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 14-моддасига биноан «зарар» деганда (жисмоний ёки юридик) шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши шунингдек, олиниши мумкин бўлган аммо олинмай қолган даромадларни ва ҳоказолар, бир сўз билан айтганда, шахснинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига нисбатан қилинган тажовуз, етказилган зарар тушунилади.

Зарар моддий (мулкий) ёки маънавий (номулкий) бўлиши мумкин.

Маънавий зарар жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати ёки ҳаракатсизлик оқибатида, жабрланувчи бошидан кечирган ёки дучор бўлган маънавий ва жисмоний азоблар (яъни камситиш, жисмоний ва руҳий азоб чекиш, ноқулайлик ҳолатига тушиш ва бошқалар) тушунилади.

Маънавий зарар фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, ишчанлик обрў-эътибори, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирига нисбатан қаратилган ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида етказилиши мумкин. Айрим ҳолларда маънавий зарар жабрланувчини мулкий зарарга нисбатан кўпроқ қийинроқ аҳволга солиши мумкин. Чунки маънавий зарарга учраган шахс кейинчалик шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслиги, соғлиғига тиклаб бўлмас даражадаги зиён-зарба етиши, касалликка дучор бўлиши, обрў-эътиборидан айрилиши ва кўплаб ноқулайлик ва нохушликларни бошидан кечириши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида «Маънавий зарар» ва уни қоплаш масалаларига катта аҳамият берилган. Жумладан, маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик Кодексининг 11,99,100,163,1021,1022-моддаларида, Меҳнат Кодексининг 112-моддасида, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 115-моддасида ва бошқа бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1020-моддасига биноан, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Айрим ҳолларда эса зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига хавф манбаи томонидан етказилган бўлса ёки фуқаро қонунга хилоф равишда жисмоний жавобгарликка тортилган бўлса ёинки, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ёки ор-номус, қадр-қиммат ва обрў-эътиборига путур етказувчи маълумотлар тарқатиш туфайли зарар етказилган тақдирда зарар уни етказувчининг айби бор-йўқлигидан қатъий назар қопланиши лозим. Жумладан, Фуқаролик Кодексининг 989-моддаси, 1-қисмига мувофиқ юридик шахс ёки иш берувчи ҳисобланган жисмоний шахс ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида унга етказилган ҳар қандай зарарни қоплаши назарда тутилган.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



Маънавий зарар миқдори жабрланувчи томонидан белгиланади. Аммо унинг миқдори хусусида низо мавжуд бўлса, судлар томонидан жабрланувчига етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасига айбдорнинг ҳуқуқбузарлик ҳаракатининг хусусиятига, жабрланувчининг шахсига етказилган зарар оқибатининг натижаларига ва шунга ўхшаш бошқа хусусиятларига кўра баҳоланади.

Фуқаролик Кодексининг 1022-моддасига мувофиқ судлар етказилган маънавий зарарни пул билан қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилик тамойилларига риоя қилишлари лозим.

САВОЛ: ходимни доимий ёки вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?

Р.РАЖАБОВ, Урганч шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 92-моддаси талабларига биноан ходимни бошқа доимий ишга ўтказишга, яъни ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик, малака ва лавозимга оид ишни топширишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади. Меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда чиқарилган буйруқ тилхат орқали (имзо чектириб) ходимга маълум қилинади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида ёзувлар меҳнат дафтарчасида қайд этилади.

Ҳозирги пайтда ходимларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш амалиётда анча кўпроқ қўлланилмоқда. Қонунчилик талабига кўра, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга ва ходимнинг розилиги билан вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати тамом бўлгач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

Ходимнинг уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабабларга кўра келиб чиққан ва бундай ишлар корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши лозим.

Соғлиғи ҳолатига кўра ёки ноқулай меҳнат шароити таъсиридан ҳоли бўлган бошқа ишга ўтказилган ҳолатларда ходимга дастлабки икки ҳафта муддат давомида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда, иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан, ходимни унинг розилигисиз ҳам вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилиши мумкин. Бошқа ишга ўтказишнинг чекланган муддатлари меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва ишлаб чиқариш зарурияти ҳақидаги қоидалар корхонанинг локал ҳужжатларида, жамоа шартномаларида ёки ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилиши ва касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик идоралари билан келишиб олинган ҳолда амалга оширилади.

Орамиздаги одамлар

Абди Қодиров дастлаб Бойсун туман марказий шифохонасида врач бўлиб ишларди. 1969 йилдан туман, вилоят ва республика газеталарида ҳозиржавоб хабарлар, долзарб мақолалар, ўткир фельетонлар билан мунтазам қатнашиб турди. Саксонинчи йилларда газеталарда босилган «Нажотми ёки найранг», «Доғ», «Абай Бойсунда», «Алданган врачлар» сарлавҳали фельетонлари газетхонлар ўртасида шов-шувга сабаб бўлганидан кейин ижод йўлини танлашга қарор қилди. У туман шифохонаси марказлашган диагностика бўлимининг бошлиғи лавозимидан бўшаб, Сурхондарё вилоятининг ҳозирги «Сурхон тонги» газетасига мухбир бўлиб ўтди ва шу йили ТошДУнинг журналистика факультетига сиртдан ўқишга кирди. Ижод ишқи ва матбуот сеҳри уни шундай журъатли қадам ташлашга ундади.

КЎКСИДА «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ

Шунга ҳам мана ўн беш йилдан ошди. «Сурхон тонги»да Абди Қодиров ўнлаб долзарб мавзудаги мақола ва фельетонлари билан тилга тушди. 1990 йилдан эса Термизда вилоят телевидениеси иш бошлади. Уни бу ерга ишга таклиф қилишди. 1995 йилдан буён А.Қодиров Ўзбекистон телевидениеси «Ахборот» дирекциясининг Сурхондарё вилояти бўйича махсус мухбири сифатида фаолият кўрсатиб келяпти. Биз унинг телемухбирлик фаолиятидан яхши хабардормиз.

Бир куни «Ахборот»да Бойсун туманидаги «Бойсун» ширкат хўжалигидан бир тасвир кетди. Манзара ўта нохуш: янги туғилган ўнлаб қўзичоқлар қаровсизликдан ориқлаб кетган, қобирғалари бўртиб турган ҳисори она қўйларнинг маърашга мадори йўқ. Қўйхона ташландиқ ҳолда, атрофи очиқ, изғириндан қўйлар жунжикиб турибди.

Эртасигаёқ вилоят ва туман ҳокимликларидан раддиялар келди. Уларда бу ҳолат мухбир уюштирган «томоша» деб аталганди. Яъни, Абди Қодиров гўё одамларнинг хонадонларидан ўлган, чала туғилган қўзичоқларни ва ориқ, касал қўйларни бир жойга тўплаб тасвирга туширганмиш... Раддияларда туҳматчи мухбирни қаттиқ жазолаш талаб этилди.

Зудлик билан журналистлар ҳамда ҳуқуқ-назорат ходимларидан иборат комиссия тузилди. Холис комиссия ҳақиқатни ойдинлаштирди. Шундан сўнг раддиячилар мулзам бўлишиб, узр сўрашди.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. «Ахборот»да Бойсун туманида жойлашган 12-вилоят «Меҳрибонлик уйи»дан танқидий лавҳа берилди. Тасвирда ётоқхона, иситиш тармоқлари тешилиб сув оқиб ётганлиги, болалар совқотиб ташқарида юришгани акс этган ва мухбир тилидан хонани ифлос қилишади деб болалар кеч соат 8 гача ичкарига киритилмаслиги айтилган. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан хат келди. «Мухбир амаки совқотдик денглар деб, бизни алдаб ёзиб олди, аслида совқотмаяпмиз, кундуз куни ҳам хонага бемалол киряпмиз» деб ёзишибди. Вакиллар юбориб текширилганда, аксинча, болаларни мухбир амаки эмас, тарбиячилар алдаганлиги маълум бўлди.

Телемухбир Абди Қодиров фаолиятидан бундай мисолларни яна келтириш мумкин. У ҳеч бир мавзуга далил-исботсиз қўл урмайди. Ҳамкасбимиздаги қатъиятлик ва изчиллик нафақат унинг ҳаётдаги камчиликларга холисона ёндашиб тўғри хулоса чиқаришида, балки жамиятимиздаги ижобий ўзгаришларни, ислоҳотларнинг самараларини, мустақилликнинг мевасини илғаб олиб телеэкран орқали чиройли қилиб кўрсата билишида ҳам жуда-жуда асқотаяпти. Бойсунлик мухбир ўз юртининг гўзаллигини ўз халқининг тантилигини, ўз Ватанининг салобатини ва салоҳиятини мафтункор тасвирларда, жозибали ифодаларда, бадиий-публицистик ибораларда баён этиб келмоқда. Айниқса, унинг Бойсун тоғларидан, Шеробод чўлларидан, Денов боғларидан, Ангор яйловларидан, Узун конларидан берган репортажлари унутилмас таассурот қолдирди, фахр туйғуларини уйғотди.

Тележурналист бадиий ижод йўлида ўз истеъдодини синаб кўраётган ёзувчи ҳамдир. Бундан уч йил олдин Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида унинг «Байрам оқшоми» деб номланган илк ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Йигирмадан ортиқ ҳажвиялари телеминиатюралар театрида саҳналаштирилди. «Қисмат», «Йўқолган келин», «Алам» каби бадиий ижод намуналари телевидениеда саҳналаштирилиб, «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» кўрсатувида намойиш қилинди.

Бизда ибратли меҳнат ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди. Айниқса, мустақилликдан кейин журналистлар меҳнати қадр ва эътибор топди. Ҳар йили ўнлаб ҳамкасбларимиз шундай мукофотларга сазовор бўлишмоқда. Ана шундай юксак шарафга муяссар бўлганлар орасида Абди Қодиров ҳам бор. У 2000 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

И.НОРМАТОВ

Ўз ерининг ҳақиқий эгалари

Биз фермер хўжалигимизни кўп тармоқли қилиб бориш ҳаракатидамиз. Масалан, пахтачиликда меҳнатларимиз кувончли натижалар бермоқда. Фақат 2003 йилда ўтган мавсумдагига қараганда ҳар бир гектар ердан қарийб 4 центнердан зиёд ҳосил йиғиб-териб олишга муваффақ бўлдик. Уста деҳқонлар тажрибаларига таяниб иш юритиш натижасида давлатга шартнома мажбуриятидагига қўшимча равишда 19 тонна пахта кўп сотдик.

ИХЛОСДА ГАП КЎП

Далага чигит экиш, ёз бўйи парвариш қилиш, ўғитлаш, суғориш ишларини омилкорлик билан олиб борганлигимиз туфайли 1 тонна пахтанинг таннархи режалаштирганимизга қарағанда бир мунча кам – 225 минг сўмга тўғри келди. Келгусида илғор тажриба ва илм-фан ютуқларидан янада унумлироқ фойдаланишни мўлжалламоқдамиз. Бундан келиб чиқадиган асосий мақсад – одамлар турмуш фаровонлигини оширишдир. Ҳозирги кунларда ҳар бир деҳқон ўртача 47 минг сўмдан маош олаётган бўлса, келгусида бу кўрсаткични янада ошириб бориш ниятидамиз. Бунинг учун, албатта, ҳосилдорликни муттасил ошириб боришимиз керак бўлади.

Пахтачиликдан ташқари 96 гектар майдонга буғдой экқан эдик. Бу ерлардан олган ҳосилимиз гектарига 60 центнерданга тўғри келди. Давлат омборларига 300 тонна буғдой топширган бўлсак, қолгани ишчиларимизга мукофот тариқасида тарқатилди ҳамда хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилди.

Яхши ниятлар билан шу йилдан бошлаб 150 бош қорамол ҳам боқяпмиз. Йилнинг ўтган ойларида бир маромда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб олдик. 10 тонна гўшт дастлабки марраларимиздан ҳисобланади.

Олиб бораётган ишларимизни ҳисоб-китоб қилиб, баъзан ўйланиб қоламан. Асосий пахта хомашёси базаси бўлиб қолган мамлакатимизда илгари ҳамма бир хилда ишлаб, бир хилда ҳақ олар эди. Ана шу кишилар энди ўз ерига эга. Улар ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бунёдкорлик ҳислатларини намоён қилмоқдалар. Имконият қидирган, ишлаган одамнинг нималарга қодир эканлиги амалда кузатилмоқда. Хўжалигимизда меҳнат қилаётган 80 нафар кишининг меҳнатлари билан бунёд этилаётган неъматлар минглаб одамларнинг эҳтиёжини қоплайдиган даражада бўляпти. Лекин деҳқонларимиз бу билан қаноатланмаяптилар. Улар янги, баракали, навли уруғлар экиб, техника, ўғит, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиб, кам харажат билан кўпроқ даромад ва фойда олиш ҳаракатида бўляптилар.

Ҳукуматимиз ўз меҳнати билан яратувчилик ишларига бел боғлаган ҳар бир одамга, ҳар бир жамоага ҳар томонлама кўмак бериб келяпти. Давлатимиз меҳнаткаш меҳнатининг қадрига етиб келяпти. Буларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган асосий хулоса – халқ турмуш фаровонлигини тобора юксалтиришдан иборатдир.

Маматқул САЛОМОВ, Ўрта Чирчиқ тумани Ким Пен Хва номли ширкат хўжалигидаги «Саидовул» фермер хўжалиги раҳбари

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунининг Хоразм вилоятида ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг Фарғона вилоятида бажарилиши муҳокама қилинди.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг суд ижрочиларининг фаолият доираси кенгайди. Уларга бир қатор процессуал ҳуқуқларнинг берилиши эса суд ҳужжатларининг ижроси давомида тарафларнинг ҳуқуқларини қонуний кафолатлаш билан бирга суд ижрочиларининг масъулиятини янада оширди. Уларнинг бевосита фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолларига барҳам берилди. Бу эса ижро ишларининг самарадорлиги ва сифати яхшиланишини таъминлади.

«Нотариат тўғрисида»ги қонун талабларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Фарғона вилоятида муайян ишлар бажарилгани таъкидланди. Вилоят адлия бошқармаси, унинг ҳузурида тузилган малака комиссияси томонидан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоялашни таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлар ўтказилган.

Йиғилишда ҳар икки қонун талабларини ҳаётга татбиқ этиш ва ижросини тўла таъминлашда камчиликларга ҳам йўл қўйилгани, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш лозимлигига эътибор қаратилди.

(ЎзА)

АЖОЙИБ КОЛЛЕЖ

Хонободда янги йил арафасида ижтимоий-иқтисодий педагогика коллежи фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу билим даргоҳида 300 нафар маҳаллий ёшлар таълим олади.

Хонободдаги ихтисослашган коллежларнинг учинчиси ҳисобланган мазкур билим даргоҳида ёшлар ўқитувчи, ҳисобчи ва машина устаси каби касбларни эгаллашади. Коллежда ўқувчиларнинг таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган бўлиб, ўқув заллари, лаборатория ва устахоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Келгусида коллежда таълим олувчи ўқувчилар сонини 900 нафарга етказиш режалаштирилган.

СПОРТ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Андижонлик ўсмирлар ва ёшлар спорт жамоаси АҚШнинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЮСАИД) томонидан ўтказилган "Спорт орқали бирлашамиз" учинчи халқаро мусобақаси голиби бўлди.

Олимпиа заҳиралари коллежида ўтказилган мазкур турнир Европанинг халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тинчлик дастури доирасида ўтказилди.

Мусобақада иккинчи ўрин фарғоналик баскетболчи ўсмирларга насиб этган бўлса, Қирғизистоннинг Мойлисой шаҳридан келган жамоа учинчи ўрин билан қифояланди. Фарғона ва Наманган вилоятининг қизлари мусобақада иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

"Туркистон-пресс"



Каттақўрғон шаҳар марказий шифохонасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилган. Бу ерда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд. Тезкор ва аниқ ташхис қўйиб етарли муолажаларни олиб боришда замонавий асбоб-ускуналарнинг ўрни катта бўлмоқда.

Ш.САРИЕВ олган сурат

ОИЛА - МУҚАДДАС ВАТАН

Пойтахтда "Оила - муқаддас Ватан" ёш оила қурувчилар мактабининг якуний машғулоти ўтказилди.

Оила жамиятнинг негизидир. Унинг жамиятдаги ўрнини ҳар биримиз чуқур англамоғимиз зарур. Аввало, уни вужудга келтирувчи ёшларни ҳар томонлама оилавий ҳаётга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. "Оила - муқаддас Ватан" ёш оила қурувчилар мактаби Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Адлия бош бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими кенгаши ҳамда Никоҳ ва оила маросимлар маркази ҳамкорлигида ташкил этилган эди.

"Оилада ота-она ва фарзанднинг ўрни" мавзуида ўтказилган якуний машғулотда оила мустаҳкамлиги омиллари хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, машғулот якунида мактабнинг бир йиллик фаолияти ҳам сарҳисоб қилинди. Машғулот тингловчилари ҳамда фаол иштирок этган ўқувчиларга сертификат ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

МЎЙНОҚ ГАЗИ УРАЛГА

Шарқий Бердақ газни қайта ишлаш корхонасидан тортилган юқори босимли 64 километрлик газ қувури Бухоро-Урал магистрал трассасига уланди.

Бундан беш йил муқаддам Устюрт кенгликларида бошланган геологияқидирув ишлари ўз самарасини бера бошлади. Оролбўйи текисликларида қазилган олти газ конининг учтасидан фойдаланилмоқда. Қисқа фурсатда бунёд этилган Шарқий Бердақ газни қайта ишлаш корхонасида эса бир кечакундузда уч миллион кубметргача газ ва саксон тонна газ конденсати тайёрланмоқда.

Тошкент шаҳри Абай кўчаси 6-уйда жойлашган «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 26 декабр куни соат 11.00 да холдинг компанияси мажлислар залида қайтадан ўтказилишини маълум қилади

Умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати (реестри) 2003 йил 15 ноябр ҳолатига кўра тузилди.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 2002 йилдаги 289-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига чет эл банки кредитининг 7,8 миллион евро миқдорига тенг қисмини шиша идиш ишлаб чиқариш заводнинг ишлаш даврида пул миқдори камайган ҳолатларида ажратиш тўғрисида кафиллик шартномасини тақдим этиш тўғрисида.

Умумий йиғилишни ўтказишга доир ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 6-уй. Телефон: 144-49-93, 144-49-96.

Кузатув кенгаши

«Мирзо Улуғбек» ОАЖнинг мажлислар залида 2003 йил 20 декабр соат 11.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қайтадан ўтказилди. Йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг 89,6 фоизи қатнашди

Умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор қабул қилинди:

«Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси қураётган шиша идиш заводига чет эл банкидан валюта кредити олиш учун жамият мулкини гаровга қўйишга рухсат берилсин.

Кузатув кенгаши

Самарқанд вилояти Булунғур шаҳрида жойлашган «Булунғур» ОАЖ акциядорлик жамияти

2004 йил 24 январ соат 12.00 да акциядорлик жамияти мажлислар залида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 24 декабр ҳолатига тузилди.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги масала:

«Мирзо Улуғбек» очиқ акциядорлик жамиятини «Булунғур» очиқ акциядорлик жамиятига бирлаштириб олиниши тўғрисида.

Кузатув кенгаши

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Республикамизнинг ноёб тиббий иқлим омиллари, маъданли сувлари ва барча даволаш

Қорақалпоғистон Республикасида:
«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент шаҳрида:
ОАЖ «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари

ОАЖ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлари

Хоразм вилоятида:
«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари


Тошкент вилоятида:
«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари

«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик ва андрологик касалликлари

«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Самарқанд вилоятида:
«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин



Даволаниш муддати - 18 кун

БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!

КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф қилади

Андижон вилоятида:
МЧЖ «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари

Қашқадарё вилоятида:
«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлари

Бухоро шаҳрида:
«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлари

МЧЖ «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин


Жиззах вилоятида:
«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари

Наманган вилоятида:
«ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Фарғона вилоятида:
«ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

МЧЖ «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари

«НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари



Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизда ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-70-97.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ


Меҳр ва мурувват йили бўлмиш 2004 йил барчангизга бахт-саодат, катта қувонч олиб келсин!



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Тармоқ ходимлари ҳамда барча касаба уюшма аъзоларини яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан муборакбод этади!





ТАРИХСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Бултур 2500 йиллик тўйини кенг нишонлаган Термиз шаҳри янада гўзаллашиб, ўзгача чирой очиб бормоқда. Қадимий ёдгорликлар, қадамжолар қайта таъмирдан сўнг янада жозибали тароват касб этди. Ана шундай тарихий масканлардан бири – Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳидир.

Бир томони афғон ерлари билан туташ бу қадамжо Юртбошимиз ташаббуси билан янгидан кўрк очиб, атрофи ободонлаштирилди. Мажмуа қошида эса музей иш бошлади. Ундан жой олган экспонатлар узоқ мозийдан ҳикоя қилади. Зеро, ўлкамиз тарихини билмай туриб, келажакни тасаввур этиш қийин.

Шарқ услубида барпо этилган музейда Термизий алломалар, қадимшунослик, тангашунослик, халқ амалий санъати, этнография, халқ оғзаки ижоди, ўлка спорти, табиати ва тасвирий санъат бўлимлари мавжуд.

Музейнинг ўлка спорти бўлимини томоша қилсангиз, воҳанинг алпкелбат полвонлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи манбаларга кўзингиз тушади. Дарҳақиқат, Алпомишлар юрти бўлган Сурхон воҳаси тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Этнографик бўлим ҳам беихтиёр диққатингизни тортади. Унда халқ этнографик дасталари, хусусан Бойсун бахшилари тарихи ўз мужассамини топган.

Музейга кираверишда чап томондаги улкан сурат ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Зулл Кифл мақбараси тасвирланган бу сурат сизни мозийга етаклайди. Шунингдек, музейда эрамиздан аввалги 1206-1700 йилларга оид экспонатларни кўриш мумкин.

Кўпгина ўқув муассасалари, ташкилотлар биз билан бевосита ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мактаблар, болалар боғчалари ҳамда ташкилотлардан музейимизга ташриф буюриб, ўлкамиз тарихини ўрганаётган ёшлар янада мукаммал билим эгалари бўлишлари шубҳасиз.

Худойназар ЖОВЛИЕВ,
«Мерос» музейи раҳбари

Буюк аждодларимиз

Мустақиллик йўлларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мамлакатимиз фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиётига бахшида этган ватандошларимиз «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотландилар. Улар орасида машҳур математик олим, давлат ва жамоат арбоби, академик Қори Ниёзий ҳам бор эди.

БЕТАКРОР ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Халқ маорифи, илм-фанининг равнақига салмоқли ҳисса қўшган забардаст олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти ҳам эди. Олимнинг юксак илмий, ташкилотчилик салоҳияти туфайли янги-янги лабораториялар, секторлар, институтлар ташкил этилди. Аспирантура ва докторантура йўли билан илмий кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилди.

Қори Ниёзий 1897 йилда таваллуд топган. Ўн икки ёшида эскича мактабда саводини чиқарган. 1909 йилдан Фарғонадаги рус-тузем мактабида ўқий бошлади. 1911-1915 йиллар давомида Петербургдаги нашриёт қошида ташкил этилган табиатшунослик бўлимида сиртдан билимини оширди. 1917 йили Фарғона шаҳрида мактаб ташкил этди. Уни битириб чиққан ўн уч қалдирғоч кейинчалик йирик олим бўлиб етишдилар.

Илмга чанқоқ маорифчи 1926 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, 1929 йилда уни муддатидан олдин тугатди. 1926-1933 йиллар давомида шу билим даргоҳида ўқитувчи, профессор, ректор бўлиб ишлади. Кейинчалик Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация институти, Ўрта Осиё тоғ конлари институти, Тошкент давлат педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртларида олий математика кафедраларини бошқарди. Асосий курслар бўйича маърузалар ўқиди. 1937-1938 йилларда Ўзбекистон маориф халқ комиссари ва айни вақтда фанлар комитетида Президиум раиси бўлиб ишлади. Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилгач, 1943-1947 йиллар давомида унинг президенти вазифасида ишлади. 1946-1960 йилларда Фанлар академияси президиумининг аъзоси, академиянинг физика-математика бўлими раиси бўлди. 1939 йилдан умрининг охиригача Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида математика кафедрасига бошчилик қилди.

Академик Қори Ниёзий олий ва элементар математика бўйича йирик тадқиқотлар муаллифидир. Унинг олий математикага оид тўрт китобдан иборат «Математика анализининг асосий курси» асари ўз даврида муҳим дарслик сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

Аллома кўп қиррали ижодкор эди. У математика ва педагогика, адабиёт ва публицистика, фалсафа ва ахлоққа оид мақолалар, илмий-оммабоп китоблар яратди. Олимнинг ўзбек халқининг маданий ҳаёти тарихига оид муаммоларни ҳал этиш борасидаги хизматлари каттадир. «Улуғбек ва унинг илмий мероси» монографияси уни дунёга танитди. «Ўзбекистон тарихидан очерклар», «Босиб ўтилган йўл ҳақида мулоҳазалар» каби асарларида ўтмишда ўзбек халқи яратган бой маданий меросни чуқур тадқиқ этди. «Ҳаёт мактаби» эсдаликлар китобида мамлакатимизда фан, маориф ва маданият тараққиёти ёркин мисоллар ёрдамида очиб берилган.

Алломанинг фан олдидаги беқиёс хизматлари муносиб баҳоланиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилган эди. Академик Қори Ниёзийнинг илмий фаолияти чет элларда ҳам кенг эътироф этилди. У Япония, Франция, Италия, Польша, Болгария, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда ўз маърузалар билан қатнашган. Ўзбек олими Жаҳон астрономия жамиятининг аъзоси, Фан тарихи жаҳон академиясининг мухбир аъзоси эди.

Алломанинг фан чўққиларини забт этишида унга она Ватанга отошин муҳаббат, ифтихор туйғуси мададкор бўлган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: «Ватан!... Қандай азиз, улуғвор, муқаддас сен! Ҳаётимнинг боиси, қувватимнинг манбаи, ижодимнинг илҳоми сен! Наслу насабим, тасаллию таянчим сен! Абадий фикру зикрим, ифтихорим, самимий муҳаббатим сен!

Ҳақиқат учун курашган боболаримнинг, улуғ олимларнинг, талантли шоирларнинг, олижаноб мутафаккирларнинг, маданият ва санъат арбобларининг Ватани сен!

Эй, жонажон, меҳрибон, севимли она Ватаним! Сен менга нону туз бердинг, бағрингга тарбия қилиб, вояга етказдинг, бахту саодат даврига олиб келдинг, ижодий меҳнат завқига мушарраф қилдинг. Сенинг учун қоним, керак бўлса жоним фидо бўлсин, Ватаним!»

Аллома Қори Ниёзий каби фидойи инсонлар миллат кўрки, халқимиз тимсолидир. Улар дунё тургунча эл-юрт хизматида бўладилар. Ҳар бир авлоднинг буюк юмушларида камарбаста бўладилар.

Мирза Анвар КАРИМОВ,
тарих фанлари номзоди

Янгиқўрғон туманида халқ театри фаолият кўрсатиб, унинг санъаткорлари томонидан намойиш этилган ажойиб саҳна асарлари Наманган вилоятидагина эмас, ундан ташқарида ҳам оғизга тушган эди.

Санъат

ЯНГИҚЎРҒОНДА — ХАЛҚ ТЕАТРИ

Айниқса, халқ театри иштирокчилари томонидан саҳнага қўйилган «Туҳматчилар жазоси», «Алишер Навоий» драмалари томошабинлар томонидан қизғин кутиб олиниб, гулдурос қарсакларга сабабчи бўлган эди. Шу боис туман бадиий ҳаваскорлик тўгараги гуруҳига Маданият вазирлиги қарорига кўра «халқ театри» мақоми берилганди. Бундан руҳланган қишлоқ санъаткорлари «Ўзи бошқа-ю, сўзи бошқа», «Улуғ йўл» асарларини ҳам зўр маҳорат билан саҳналаштиришган эди.

Афсуски, шўро замонасининг қуруқ компаниячиликдан иборат сиёсати халқ театри фаолиятига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Қишлоқ санъаткорларига эътибор сусайди. Улар учун зарур ёрдам кўрсатилмади, қўллаб-қувватланмади. Оқибатда халқ театри тарқалиб кетди.

Мамлакатимиз истиқлолидан сўнг ҳамма жойда юз бераётган ижобий ўзгаришлар янгиқўрғонлик санъаткорларни ҳам илҳомлантирди. Улар ўз фаолиятларини қайтадан жонлантиришга киришдилар. Туман ҳокимлиги, маданият бўлими улар режасини маъқуллаб, зарур ёрдам кўрсатиш чораларини кўрмоқда. Халқ театри жамоаси ҳозирда Т.Исмоиловнинг «Маҳаллада тўй» пьесасини саҳналаштиришга бел боғлашган. Ҳозирда тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиб қолди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Футбол

МАЙДОНДА – ФАХРИЙЛАР

Тошкент шаҳар футбол федерацияси кубоги учун фахрийлар ўртасида ўтказилган турнирда саккиз жамоа иштирок этди.

Уюшқоқ ўйинлари натижасида азалий рақиблар – «Тўқимачи» ва «Тошкенткабел-Солиқчи» командалари финалга чиқдилар. Ҳар иккала бўлимда ҳам ҳужумкорликни сусайтирмаган «Тошкенткабел-Солиқчи» фахрийлар жамоаси бош соврин соҳибига айланди.

Ғолиб ва совриндорлар шаҳар футбол федерацияси ҳамда ҳомийлар таъсис этган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Замонавий санъат марказида очилган «Янги номлар» кўргазмаси ёш мусаввирларимиз санъатнинг юксак чўққилари сари интилаётганини исботлаб турибди. Кўргазма иштирокчилари - Сейран Қуртжамил, Анна Иванова ва Дмитрий Охунбобоев яратган асарлар АҚШ, Россия, Исроил, Буюк Британия, Испания, Козогистон каби давлатларда ҳам намойиш этилган. Кўргазмадан уларнинг бир юз ўттиздан ошиқ асарлари ўрин олган.

Рангтасвир

ОНА ТАБИАТ СЕҲРИ

Ёш рассомларга тасвирий санъат усталари Я.Салпинкиди ва М.Бородина мусаввирлик сирларини чуқур ўргатишяпти. Асарлардаги тасвирнинг аниқлиги, рангларни ўрнида ишлата билиш, мавзу танлаш ҳамда композициянинг мутаносиблиги устозлар тарбиясидан далолат.

Сейран Қуртжамил ижодида хотирот, табиатга ошуфталик, мўъжизавий ифодалар бўртиб кўриниб туради. Унинг «Роваккa боғидаги дарвозалар» асари Исроилдаги яҳудийлар гўзали Роваккa номи билан аталувчи боғ манзараси асосида яратилган. Суратда боғни ўраб турган кўрғоннинг беш дарвозаси тасвирга олинган. Беш дарвозада акс этган илоҳий тасвирлар ифодасидан ғоят чуқур фалсафий тафаккур қудратини кашф қилиш мумкин. «Созанда» портретида эса санъаткор ҳаёти, санъатга нисбатан меҳр жонли акс эттирилган. «Ит етаклаган киши», «Кутиш» асарлари ҳам теран изланишлар маҳсули сифатида кўзга ташланиб турибди.

«Қуёш чиқиши» тасвирида борлиқнинг уйғониши гўзал ифода касб этган. Ниначилар илк қуёш нурларида қанотлари товланиб, ҳар ёққа учиб юрибди. Мусаввир офтоб зиёси ниначилар қанотида бутун оламга тарқалаётганини ифодалагандек туюлади.

«Шаҳар манзараси», «Ёмғир», «Боғдаги бўса» асарларида табиат тасвири инсон туйғулари билан уйғунлик ҳосил қилган.





Сейран Қуртжамил «Тонгги натюрморт», «Лимонли натюрморт», «Балиқли натюрморт», «Сап-сариқ натюрморт» асарлари орқали ушбу жанрда ҳам ўз истеъдодини очиб беришга ҳаракат қилган.

Ёш рассом Анна Иванова ижоди ҳаётни ёркин бўёқларда акс эттириши билан ажралиб туради. Хусусан, «Малла сочли қиз», «Очиқ ҳавода ўйнаб юрган болалар», «Боласини чўмилтираётган она», «Ором», «Ошхонадаги қизча», «Оқ кема», «Уч аёл» асарларида инсонларнинг ҳаётга нисбатан меҳр-муҳаббати бор бўйи билан гавдаланади. Онанинг ягона қувончи фарзанд эканлигини жонли рангларда очиб берган.

Дмитрий Охунбобоев асарларида табиат фасллари, тоғ, боғ-роғлар манзаралари акс этган. «Хумсонда куз», «Ҳовуз», «Чорвоқ», «Чўмилишдан чиқишди», «Тоғда куз», «Олисдаги тоғлар», «Бойчечак», «Шафтоли дарахтлари», «Кузги ўриклар», «Вақт шамоли» каби асарларда табиатнинг хилма-хил ранглари кашф этилган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос

ЛУҒАТ-МАЪЛУМОТНОМА

Мамлакатимизда чоп этилаётган луғат адабиётлари яна бир нуфузли нашр билан бойиди. «Луғат-маълумотнома: журналистика, реклама, паблик рилейшнз» деб номланган бу китоб ўзининг оммавийлиги билан ажралиб туради.

У Евроосиё жамғармаси молиявий кўмагида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети томонидан босмага тайёрланган. Ушбу нашр ўзбек ва рус тилларида чиқарилди.

Ахборот жамиятига хос бўлган «Олтин миллиард назарияси», «Коммуникацион портлаш», «Статус-кво назарияси» каби халқаро атамаларнинг муқобил изоҳлари ҳам берилган. Марказий Осиё, Россия, Германия, Америка, Англия, Япония, Афғонистон матбуоти, телевидение ва радиоси амалиётига доир маълумотлар ҳам китобхонларда катта қизиқиш уйғотади.

Журналистик ижод, фотожурналистика, реклама ва оммавий ахборот воситалари атамаларига берилган изоҳлар луғатнинг қимматини оширишга хизмат қилган.

БАКАЛАВРЛАР УЧУН ДАРСЛИК

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни молия фани бўйича қатор янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишни тақозо этмоқда. Шу ўринда «Аудит» деб номланган дарсликнинг чоп этилиши мақсадга мувофиқ бўлди.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналишида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга молик бўлган бу нашр таниқли олим Ҳасан Мусаевнинг самарали изланиши маҳсули бўлди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмаси билан босма юзини кўрган ушбу китоб «Молия», «Банк иши», «Солиқлар ва солиққа тортиш» йўналишлари бакалаврларига яхши тухфа бўлди.

Дарсликда аудитнинг келиб чиқиш сабаби, ривожланиш тарихи бугунги бозор иқтисодиёти ривожи билан боғлиқ ҳолда кенг ёритилган.

А.АЛИЕВ

Кўргазма

ЯНГИЧА ТАЛҚИНДА

Тошкентдаги Замонавий санъат марказида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан "KALA Ўзбекистонда" номли кўргазма очилди.

Мазкур кўргазмада замонавий АҚШ мусаввирлари ва бошқа хорижий мамлакатлар рассомларининг анъанавий пейзаждан тортиб замонавий технология асосида яратилган босма графика, компьютер фотографияси, литография ва фотогравюра асарлари намойиш этилмоқда. Томошабинлар бу ерда турли йўналиш ва мактаблар усулида ижод қилаётган ҳозирги замон АҚШ мусаввирлари асарлари билан яқиндан танишадилар. Бугунги кунда уммон орти графика санъатида рўй бераётган ўзгаришлар, янгича талқин ва услублар мамлакатимиз рассомлари ва санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма доирасида Тошкент ва Самарқанддаги санъат институтларида "KALA институти: тарих, рассомлар, асарлар", "Калифорнияда босма графика таҳлили" ва "АҚШда рассомлар дастури ва уларнинг ишлари" каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

"Туркистон-пресс"



ТЯНШАНЬ - САМО ТОҒИ

Тяншань - дунёнинг энг пурвиқор тоғ тизмаларидан биридир. Асосан Марказий Осиё, қисман Хитой ҳудудида жойлашган ушбу тоғ тизмаси Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлинади. Тяншаннинг 88 та улуғвор чўққиси бўлиб, энг баланд нуқтаси 7439 метрни ташкил этади. Айтганча, «Тяншань» сўзининг луғавий маъносини билган киши унинг бежизга шундай номланмаганлигига амин бўлиши мумкин: у хитойча Тян - само, Шань - тоғ, яъни Самовий тоғ демакдир.

Тяншань тоғ тизмасининг яна бир алоҳида эътиборга молик жиҳати шуки, бу ерда ҳайвонот ва набобат оламининг ниҳоятда кўплаб намуналари учрайди. Масалан, биргина ўсимликларнинг 3 мингга яқин турлари мавжуд. Шунингдек, Марказий Осиё ҳудудини ўз ичига олган Ғарбий Тяншандан бошқа ҳеч бир жойда учратиш мумкин бўлмаган ҳайвон ва ўсимлик турлари ҳам борки, бу тоғ тизмасини дунёнинг энг нодир экотизимларидан бири эканлигини англатади. Дарвоқе, Ғарбий Тяншаннинг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳудудларида Олмаота, Жобоқли, Иссиққўл, Саричелак, Бешорол, Чотқол каби қўриқхоналарнинг фаолият юритиши ана шу табиат мўъжизаларини асраб қолиш, кўпайтириш, келажак авлодга етказишдек хайрли мақсадга хизмат қилмоқда.

Бироқ инсониятнинг табиатга нисбатан хўжасизларча муносабати, унинг бойликларидан нооқилона фойдаланиш, қолаверса, техниканинг жадал ривожланиши биологик турфа хилликка жиддий путур етказмоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз ҳудудида доривор гиёҳлар — ўсимликларнинг 600 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, ҳозирги пайтда улардан 200 га яқини халқ табобатида, 70 га яқини илмий табобатда қўлланилмоқда. Афсуски, сўнгги йилларда шифобахш ўсимликлардан билиб-билмай фойдаланиш, мўмай даромад илинжида талабдагидан ортиқ даражада йиғиштириб олиш ҳоллари учраб турибди. Бу уларнинг табиий тарқалиш ҳудудининг қисқариб, заҳира қисмининг камайишига олиб келаяпти. Ҳатто айрим доривор гиёҳлар нодир ўсимликлар сафига киритилмоқда.

Республикамиз ҳудудида жойлашган Чотқол давлат қўриқхонаси асосан ўрта ва юқори тоғ минтақаларини ўз ичига олган. Бу ерда 1160 турдан иборат ўсимлик турлари ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг юздан ортиғини шифобахш ўсимликлар ташкил этади. Айниқса, анжабор, арча, гулхайри, мармарак, тарон, сачратқи, сассиқ алаф, эрмон, ғозпанжа, ширач каби ўнлаб дориворлар энг кўп тарқалган. Аҳамиятлиси, ушбу дориворларнинг аксари фақатгина ушбу қўриқхона ҳудудида яхши сақланган. Шунингдек, бу ерда Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган қор қоплони, оқ тирноқли Тяншань айиғи, Мензбир суғури, бургут, болтаютар, оқ бошли қумой, пакана бургут каби камёб ҳайвон ва қушлар парваришланмоқда.

Япониялик олимларнинг илмий мулоҳазаларига кўра, инсон гўзал, бетакрор, нозик ва нафис нарсаларни қанчалик кўп кўрса, шунчалик бардам ва тетик, кайфияти аъло бўлар экан. Ҳулоса чиқадики, узоқ умр кўришни истаган киши Она табиат гўзалликларидан кўпроқ баҳраманд бўлиши лозим. Бунинг учун эса ана шу гўзалликнинг қадрига етиш, асрай билиш шарт.

Дурдона ХОНКЕЛДИЕВА

Бу гўзаллик қадрига етинг

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳри 25-ўрта мактаб томонидан 1993 йил Жўраева Нодира номига берилган АУ №281247 шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8803 Буюртма Г— 0017 1 2 3 4 5